Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 204 (5495).
7 СЕНТЯБРЬ 1984 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида автомат роторли ва ротор-конвейерли линияларни халқ хўжалигига жорий этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Мажлисда қайд этиб ўтилганидек, аниқлик, технология жараёнларининг барқарорлиги ва узлуксизлигига хос бўлган шундай автомат линияларнинг кенг кўламда жорий этилиши саноат ишлаб чиқаришини интенсивлаш даражасини кескин ошириш имконини беради. Меҳнат унумдорлигини анча ўстириш, ишлаб чиқариш майдонларини кисқартириш таъминланади, ходимлардан кўпчилигини бошқа ишга ўтказиш мумкин бўлади, ишловчиларнинг меҳнат шароитлари яхшиланади. Роторли ва ротор-конвейерли линиялардан фойдаланиш тажрибаси уларни қўлланиш юксак самарадорлигини ва қолиплаш, қуйиш ҳамда металл буюмлар ишлаб чиқаришда, машинасозлик, химия ва озиқ-овқат саноатининг бир қанча тармокларида уларни актив жорий этиш зарурлигини тасдикламоқда.

Сиёсий бюро илғор техниканинг мана шу турини кўлланишнинг юксак иктисодий ва социал самарадорлигини ҳисобга олиб СССР Госпланига, СССР Фан ва техника давлат комитетига, СССР Фанлар академиясига ҳамда тегишли министрликлар ва идораларга уни ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан топшириқларни ишлаб чикишни топширди. Уни жорий этиш мамлакат илмий ва ишлаб чиқариш коллективларининг ғоят актив иштирокида амалга оширилиши керак. Партия ташкилотлари бу ишни доимий назорат килиб боришлари лозим.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 1985 йилнинг майида Варшава Шартномаси имзоланган кунининг ўттиз йиллиги нишонланишини ҳисобга олиб, ана шу катта сиёсий вокеа муносабати билан Совет Иттифоқида ўтказилиши мўлжалланаётган тадбирларни маъқуллади. Бунда шу нарса таъкидландики, Варшава Шартномасининг мавжудлиги социалистик мамлакатлар бирлиги ва жипслигини изчил мустаҳкамлашдан, АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари ўтказаётган агрессив милитаристик сиёсатга қарши биргаликда ҳаракат килишдан, Европада ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлашдан ажралмасдир.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида қардош социализм мамлакатларининг сиёсий ва иктисодий ҳамкорлигини янада ривожлантиришга, Коммунистик партия билан Совет давлатининг ташқи ва ички сиёсатига доир бошқа бир қанча масалалар ҳам муҳокама килинди.

Мукофотларни топшириш чоғи. В. Кругликов фотоси («Правда»).

КОСМОСНИ ЎЗЛАШТИРИШДАГИ МАРДЛИК ВАҚАҲРАМОНЛИК УЧУН

«САЛЮТ - 7» — «СОЮЗ» КОМПЛЕКСИ КОСМОНАВТЛАРИГА КРЕМЛДА ОЛИЙ МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

«Салют-7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космонавт аёл иштирок этган экипажнинг шу йил июль ойида муваффақиятли тугаган парвози космик фазони ўзлаштириш тарихида янги ёркин саҳифа бўлди. Ўтказилган тадқиқотлар ва экспериментларнинг натижалари мамлакатимиз фани ва халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг қўлланилади, улар космик техниканы янада ривожлантиришнинг ва космик фазони тинч мақсадларда ўзлаштиришнинг кенг истиқболларини очади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко 5 сентябрь куни Кремлда СССРнинг космонавт-учувчилари В. А. Жонибеков, С. Е. Савицкая ва И. П. Волкка Совет Иттифоқининг олий мукофотларини топширди.

Мукофотларни топшириш чоғида К. У. Черненко нутқ сўзлади.

К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи

Азиз ўртоқлар!

Бугун биз қувончли, тантанали учрашув ўтказяпмиз. Эзгу анъанага кўра, космик фазода жуда яхши ишлаганларидан сўнг жонажон Ерга қайтиб келган космос қаҳрамонлари Владимир Жонибеков, Светлана Савицкая ва Игорь Волкни самимий табриклаш учун бу ерга, Кремлга йиғилдик.

Ҳаммамиз биламизки, улар киши яшаётган «Салют-7» — «Союз Т-12» комплексидагина меҳнат қилишларига тўғри келиб қолмай, Светлана Савицкая билан Владимир Жонибеков кемадан ташқарида мураккаб экспериментларни ўтказдилар, осмон монтажчилари сифатида ишладилар. Бунда Светлана очиқ космосга чиққан дунёда биринчи аёл бўлди.

Уларнинг қимматли тажрибаси катта-катта орбитал станциялар яратиш чоғида қўлланилиши турган гап. Бундай станциялар лабораторияларига бўлиб қолмай, шу билан бирга космосдаги ўзига хос ишлаб чиқариш цехлари ҳам бўлиб қолади.

«Союз Т-12» шонли экипажининг зафарига космик комплекснинг меҳмондўст мезбонлари Леонид Кизим, Владимир Соловьев ва Олег Атьков ҳам ҳақли равишда шерикдирлар. Улар узоқ учиш шароитларини шу кадар ўзлаштириб олишдики, улар учун очиқ космосга чиқиш мунтазам сайрга айланиб қолган кўринади. Ҳозирнинг ўзидаёқ шуни айтиш мумкинки, улар тадқиқотларнинг тиғиз ва новаторлик программасини муваффақиятли бажарганликлари инсониятнинг Ер ва Коинот сирларини билишдаги яна бир сезиларли босқич бўлиб қолади.

Космик давр бошланганига ҳали кўп йил бўлгани йўқ. Юрий Алексеевич Гагариннинг тилларда достон бўлган учишидан буён орадан атиги 23 йилдан кўпроқ вақт ўтди, аммо нақадар кўп билим тўпланди, техника нақадар мукаммал бўлиб қолди, илм-фаннинг ғоят турли тармоқлари нақадар гуркираб ривожланди. Биз космонавтика муваффақиятларида олимлар дадил тафаккурининг, инженерлар, техниклар, ишчилар ажойиб маҳоратининг ва космонавтлар буюк мардлигининг йиғиндисини кўриб турибмиз. Олдимизда катта-катта мақсадлар ва режалар турибди. Бошқа мамлакатларда ҳам шундай мақсад ва режалар бор. Космос тинч ва фақат тинч бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳаётий зарурат эканлигига давлатимизнинг, партиямизнинг ишончи комил.

Космос ҳарбийлаштирилишига йўл қўймаслик мақсадида музокаралар ўтказиш тўғрисидаги таклифларимиз ҳам шунга қаратилгандир. Қўшма Штатлар пировард натижада сиёсий жиҳатдан оқилона иш тутиб, Совет Иттифоқининг конструктив ёндашувига муносиб баҳо беради, деб умид билдиришни истардик. Одамларнинг манфаатлари йўлида хизмат қилиши лозим бўлган буюк илмий кашфиётлар кўпинча қишиларнинг зиёнига фойдаланиб келинган. Космик кашфиётлар соҳасида бунга йўл қўйиш мумкин эмас. Космос ҳарбий рақобат майдони эмас, балки давлатларнинг социал тузумидан қатъи назар улар ўртасидаги тинч ҳамкорлик майдони бўлиши керак.

Мазкур проблемага доир аҳдлашув бутун инсоният учун ҳаётий муҳим аҳдлашув бўлур эди. Бундан ташқари шу аҳдлашув Совет-Америка муносабатларига жуда етишмай турган ўзаро ишонч элементларини бирон-бир даражада бахш эта олган бўлур эди.

Энди эса мукофотларни топшириш маросимига киришиш пайти келган бўлса керак.

«Салют-7» — «Союз Т-12» орбитал комплексида космик парвозни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун кема командири СССР космонавт-учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Александрович Жонибеков СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ленин ордени билан мукофотланди.

СССР космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Светлана Евгеньевна Савицкая Ленин ордени ва иккинчи «Олтин юлдуз» медали билан мукофотланди.

Тадқиқотчи-космонавт Игорь Петрович Волкка Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилиб, Ленин ордени ва «Олтин юлдуз» медали топширилади, шунингдек унга «СССР космонавт-учувчиси» унвони берилди.

Азиз ўртоқлар, сизларни юксак муксфотлар билан сидқидилдан муборакбод этаман!

Чин қалбдан сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳамда Ватан манфаатлари йўлидаги олижаноб ва фидокорона меҳнатингизда янги-янги муваффақиятлар тилайман!

* * *

Космонавтлар ўз нутқларида космик учишни бажаришда билдирилган ишонч учун ва Ватаннинг юксак мукофотлари учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига, ўртоқ К. У. Черненкога астойдил миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Ишончли космик техникани яратувчи, экипажларни тайёрловчи, учишни таъминловчи ва бошқарувчи мутахассислар кўпдан-кўп коллективларининг аҳиллик билан ишлаганлиги туфайли учиш программасини муваффақиятли равишда амалга ошириш мумкин бўлди, деди **В. А. Жонибеков**. — «Маяклар» экипажи Леонид Кизим, Владимир Соловьев, Олег Атьков (улар 211 кундан буён космик вахтани давом эттирмоқдалар) ишимизда, айниқса очиқ космосга чиқиш билан боғлиқ операциялар чоғида бизга бебаҳо ёрдам бердилар. Улар белгиланган программани тўла-тўкис бажаришларини айтиб қўйишимизни сўрадилар.

Биз Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг космик фазони бундан буён ҳам ўзлаштириш борасидаги топшириқларини тўла-тўкис бажариш учун бундан буён ҳам бутун кучимиз ва билимимизни сарфлайверамиз.

Сўзга чиққан **С. Е. Савицкая** космосни тобора ўрганиш ва ўзлаштиришга баҳоли қудрат қўшган ҳиссам учун берилган мукофотларни учиш программаси бажарилишини таъминлаган олимлар, инженерлар ва техниклар, ишчилар, барча мутахассисларнинг жуда катта ва бунёдкорлик меҳнатига берилган мукофот деб биламан, деди.

— Очиқ космосда ишлаган пайтда, деб давом этди у, — Коинотнинг улуғворлиги ва гўзаллигини яққол кўрасан, киши. Айни вақтда бутун инсониятнинг умумий масканн бўлган кадрдон планетамиз — Ернинг ҳароратн ва нурини айниқса яхши ҳис қиласан. Ҳозир инсон учун планетамизда тинчлик ва ҳаётни сақлаб қолишдан, цивилизациямизни сақлаб қолишдан кўра муҳимроқ ва муносиброқ мақсад йўқлигини англайсан. Биз, Совет космонавтлари, давлатимизнинг ядро урушига йўл қўймасликка, космик фазо ҳарбийлаштирилишининг олдини олишга қаратилган доно сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаймиз.

Экипажимизнинг иш программаси космик фазодан инсон фаровонлигини кўзлаб тинч мақсадларда фойдаланишнинг яққол ифодаси намунасидир.

И. П. Волк нутқида шундай деди:

— Мен биргаликда ишлаган ўртоқларим айтган сўзларга тўла қўшиламан. Биз эга бўлган ҳамма нарсаларни, жумладан меҳнат қилиш имкониятини Ватанимиз, Коммунистик партия бериб қўйган ва бутун халқимиз томонидан таъминланган.

Бунинг учун уларга катта раҳмат деймиз ва таъзим қиламиз. Олдинда ҳали ишлар кўп. Топширилган ҳар қандай вазифани биз энг кўп даражада куч, тажриба ва билим сарфлаб бажарамиз, деб шахсан Сизни, Коммунистик партияни ва ҳукуматни ишонтиришга рухсат бергайсиз.

Нутқлар эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Космонавтлар космик учишдан эсдалик сифатида «Салют 7» — «Союз Т-11» — Союз Т-12» илмий-тадқиқот комплекси ичида учанлик тўғрисидаги ва космик экипажнинг барча аъзолари имзолаган гувоҳномани ўртоқ К. У. Черненкога топширдилар.

Мукофотларни топшириш чоғида СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. В. Смирнов, КПСС Марказий Комитети бўлимининг мудири И. Ф. Дмитриев, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. Н. Ментешашвили, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси В. В. Прибитков, Ю. А. Гагарин номли космонавтлар тайёрлаш марказининг бошлиғи авиация генерал-лейтенанти Г. Т. Береговой, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

АБАДИЙ БИРГАМИЗ

Совет Иттифоқи ва Болгария ўртасидаги дўстона алоқалар йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон ва Болгария Халқ Республикасининг кўплаб шаҳар ва областлари биродарлашганлар. Тошкент области ва Хасково округи шулар жумласидандир.

Икки қардош мамлакат меҳнат коллективларининг ўзаро мусобақалашуви ажойиб аъанага айланди. Пойтахт область меҳнаткашлари делегацияси бир неча бор Хасково округида меҳмон бўлди, болгариялик дўстларимиз ҳам кўп марта ҳузуримизга кедилар.

Болгария халқи социалистик революциянинг 40 йиллигини тантанали равишда нишонлашга ҳозирлик кўраётган шу кунларда бутун мамлакатимиздаги каби Ўзбекистонда ҳам совет-болгар дўстлиги ойлиги ўтказилмоқда.

Куни кеча республика киночилар уйида шу муносабат билан тантанали йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари А. В. Гончарова кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон ССР Маданият министрининг ўринбосари, совет-болгар дўстлиги жамияти Ўзбекистон бўлими правлениеси раисининг ўринбосари У. Р. Умарбеков ўз докладида халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларнинг мустаҳкамланиб бораётганлиги ҳақида гапирди.

Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашдаги муштарак мақсадлар, ўз коллективларининг Болгария меҳнаткашлари билан алоқалари ҳақида Болгарияни озод этишда иштирок этган истебфодаги полковник Н. Г. Березняк, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. П. Казанцева, Калинин районидаги Свердлов номли совхоз директори К. Мирпўлатов, «Узбекхиммаш» заводи бригада бошлиғи С. В. Киося ўртоқлар гапириб бердилар.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан болгар умумхалқ дўстлиги комитети номига табрикнома қабул қилдилар.

БОЛГАР КИТОБЛАРИ ДЕКАДАСИ

БУГУН

Тошкентда болгар халқининг миллий байрами — Озодлик кунига бағишланган болгар китоблари декадаси очилди.

«Бугунги Болгария», «Болгария шаҳарлари бўйлаб», «Болгария ноширлари — болаларга», «Болгария — туризм мамлакати», «Болгариянинг халқ амалий санъати» китоб-иллюстрация кўргазмалари китоб мухлисларини Болгариянинг давлат ва жамоат арбоблари, олимлари ва ёзувчилари билан, мамлакатнинг шаҳарлари ва бой тарихий-меъморчилик ёдгорликлари ҳақида ҳикоя қилувчи альбом типидаги нашрлари билан таништирмоқда.

Қардош мамлакат китоблари байрамининг очилишида совет ва болгар ноширларининг ўзаро алоқалари, халқ Болгарияси авторларининг СССР да нашр этилаётган асарлари ҳақида, болгар ва рус халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ва қардошлик алоқалари ҳақида гапирилди. Декаданинг очилишида тошкентлик ноширлар ва матбаачилар, кутубхоначилар ва китоб тарқатувчилар, Тошкентда билим олаётган болгариялик студентлар, туристлар ҳозир бўлишди.

Декада очилишида «Китоб ва даврий нашрлар» фирмасининг мутахассислари иштирок этдилар.

УЧ ЙЎЛДОШ ПАРВОЗДА

1984 йил 4 сентябрь куни Совет Иттифоқида Ернинг сунъий йўлдошлари «Космос-1593», «Космос-1594» ва «Космос-1595» учирилди. Ҳар учала йўлдош битта учирувчи ракета билан орбитага чиқарилб қўйилди. Йўлдошлар космик навигация системаларининг элементлари ва аппаратларини пишиқтириш учун мўлжалланган. Бундай система Совет Иттифоқи Граждан авиацияси самолётлари ҳамда денгиз ва балиқ овлаш флотларининг кемалари қаерда турганлигини аниқлашни таъминлаш мақсадида яратилмоқда.

Йўлдошлар доирага яқин орбитага чиқарилди.

(ТАСС).

ТОШКЕНТНИНГ ИККИ МИЛЛИОНИНЧИ ФАРЗАНДИ

Саодат олти ойлик бўлди

БУГУН

Шаҳримизнинг икки миллионинчи фарзанди — Саодат Дадахонова ярим ёшга тўлди. Қизалоқнинг қандай ўсаётганн, унинг бахтли ва саодатли ҳаётида рўй берган ўзгаришлар тўғрисида ҳозирча унинг онажониси — Дилбар Дадахоновадан эшитинг:

— Саодат онла аъзоларимизни соғлом ва бақувват бўлиб ўсаётганлиги билан шод этмоқда. Барча болалар сингари у ҳам сайр қилишни, баъзида ҳарҳаша қилишни яхши кўради. Биз катта ёшдагилар учун ҳаёт кун сайин қизиқ ва сермазмун бўлиб бораверади. Саодат эса бизнинг ҳатти-ҳаракатларимизни «кузатиш»ни, уни доим эркалайдиган опаси Гўзал билан ўйнашни жуда севади.

Кечқурун ишдан дадаси Илҳомжон келганларида Саодат унга шифрин табассум ҳадя этади.

Болалар — бизнинг катта қувончимиздир. Улар инсониятнинг келажаги, унинг орзу-умидидир. Биз совет кишилари учун фарзандларимизнинг бахтли турмушини кўриш доимо ёқимлидир. Бу борада давлатимиз катта ғамхўрлик қилмоқда. Ишлаётган аёлларга ҳақ тўланадиган отпускалар берилиши, фарзанд туғилганда унга бериладиган имтиёзлар ана шу ғамхўрликнинг ёркин далилидир.

Бизнинг ўлкамиз болажон ўлкалиги билан машҳурдир. Кўп оналарда 8 —10 бола бор. Уларни тарбиялашга она-Ватанимиз ёрдам берялти.

Саодатни нурли истиқболлар, болалар боғчаси ва мактаблар, пионер лагерлари, хуллас Советлар мамлакатидаги энг яхши имтиёзлар кутмоқда!

Ш У КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

«Узгипроводхоз» институти Қорақалпоғистон АССРда ташкил этиладиган янги Ефим Узяк колхозини лойиҳалаштиришга киришди. Лойиҳада ғаллачорвачилик хўжалиги учун 15 минг бош мол боқиладиган майдонларни ўзлаштириш ва суғориш кўзда тутилади.

— Қорақалпоғистоннинг чўл ва яримчўл шароити учун лойиҳаларни яратиш осон эмас. Аммо биз бу соҳада маълум тажрибага эгамиз,— деди лойиҳа бош инженери Г. Тугушев.— Суғориладиган деҳқончилик зонасида фермаларни, марказий қўргонни жойлаштириш, автомобиль йўллари ва бошқа ёрдамчи иншоотларни бунёд этиш мўлжалланмоқда.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 19 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 11—13, эртага кундузи 26—28 даража иссиқ бўлади.

МУСОБАҚАЛАР КУНДАЛИГИ

XVI ФУТБОЛЧИЛАР СПАРТАКИАДАСИ

Кеча қўл тўпи бўйича саралаш мусобақаларининг учинчи тур учрашувлари бўлди. Унинг натижалари кичик группалардаги командалар мавқеини бироз ойдинлаштирди.

«Б» группасида ўйнаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма командаси иккинчи мағлубиятга учради. Улар РСФСР терма командасига 16:33 ҳисобида учрашувни бой бердилар, Қизларимиз эса рекорд ҳисобда (52:15) тожикистонлик тенгдошларини мағлубиятга учратишди. Бу учрашувлардан сўнг қизларимизнинг финал олтиликдан ўрин олишлари ойдинлашиб қолган бўлса, ўсмирларимизнинг олтиликка киришлари муаммо бўлиб қолди.

Шу турнинг қолган учрашувлари қуйидагича тугади: ўсмирлар — Арманистон — Грузия— 21 — 19, Қозоғистон — Литва—25:26, Латвия — Туркманистон — 36:22, Москва — Тожикистон— 30:18, Молдавия — Белоруссия — 27:27, Эстония — Қирғизистон — 30:34, Озарбайжон — Украина — 31:29; қизлар — Озарбайжон — Белоруссия—18:26, Қозоғистон — Украина — 21:39, Арманистон — Туркманистон — 25:20, Грузия — Литва —14:34, Ленинград — Москва — 16:14, Эстония — Қирғизистон—20:25, Молдавия — РСФСР — 26:24.

Командалар қолган икки тур саралаш мусобақаларини 8 ва 9 сентябрда ўтказадилар. Бугун дам олиш куни.

Эртакдаги шаҳарча қад кўтарди

ФОТОРЕПОРТАЖ

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг «Легенда» студент-қурилиш отряди аъзолари бугун 398-болалар боғчасидаги байрам қаҳрамонларн бўлдилар. Бу ерда студент-қурилиш отряди жангчилари 3-меҳнат семестри давомида барпо этган эртакдаги шаҳарчанинг тантанали очилиш маросими бўлди. Тантанали мнтингни Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари С. Т. Алиев очди. У ўз сўзида бу шаҳарча «Ўзимиз лойиҳалаймиз, ўзимиз қурамиз» шиори остида меҳнат қилаётган студентлар қўли билан тикланган учинчи эртакдаги шаҳарча эканлигини таъкидлаб ўтди. Ўрта Осиё медицина-педиатрия институти ва Тошкент медицина институти студент-қурилиш отрядлари жангчилари 243-боғчада ва Қорасув массивида ана шундай шаҳарчалар қуриб бердилар.

— Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти студентлари болаларга ажойиб совға ҳозирладн,— деди ўз нутқида 398-боғча мудираси Л. А. Сандқулова. — Афсонавий-спорт шаҳарчаси умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари талабнга кўра болаларни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш, уларни ҳар томонлама ривожланган, соғлом, қувноқ қилиб ўстириш бўйича ишларни такомиллаштиришимиз г а ёрдам беради.

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг доценти, отряд раҳбари Виктор Михайлович Дмитриев болаларга рамзий калитни топширар экан, бу институт студентлари қурган иккинчи шаҳарча эканлигини айтиб ўтди:

Мана, ниҳоят байрамнинг энг тантанали дақиқаси бошланади. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари А. В. Гончарова лентани қирқади. Қувноқ болалар гуруҳи афсонавий-спорт шаҳарчасига югуради.

СУРАТЛАРДА: Тошкент транспорт инженерлари институти доценти В. Дмитриев рамзий калитни 398-болалар боғчаси тарбияланувчилари г а топширмоқда; эртакдаги шаҳарчада ўйин пайти.

М. Нуриддинов фотолари.



ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИНИ ОШИРАЙЛИК

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-цехи партия ташкилоти учун ҳисобот даври шу билан характерлики, бу даврда участкаларда ишлаб чиқариш янада такомиллашди. Бу факт ва рақамлардан маълум бўлиб турибди: талайгина янги техника жорий этилди, етти ойлик план барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажарилди, топшириққа қўшимча 60 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ярмига яқинига давлат Сифат белгиси берилган.

Партия ташкилоти секретари Н. В. Христунова докладида, шунингдек коммунистларнинг нутқларида партия группасининг маълум ташкилотчилик ва сиёсий иши гапириб ўтилди, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида коммунистларнинг авангардлик роли таъкидланди.

Шу билан бирга музокарада сўзга чиққан тикувчи-мотористкалар Д. Раҳимова, М. Исмоилова, прессловчи В. Охунжонова шуни таъкидлаб ўтдиларки, партия группаси ишида ҳали кўп камчиликлар бор. Меҳнат интизомини бузувчиларга нисбатан етарли қаттиққўллик кўрсатилмаяпти, партия группаси коммунистлари тарбия ишида ҳамиша ҳам актив иштирок этишмаяпти. Техника билим юртини битириб келган ёш ишчи ўхшаш касбларни фаол ўрганишига, ўз мураббийларидан малакали ёрдам олишига партия группаси ҳали эришолмади.

Коммунистлар камчиликларни санаб ўтишдан ташқари, нуқсон ва камчиликларнинг сабаблари ва моҳияти ҳақида, хатоларга йўл қўйган шахслар ҳақида гапиришди. Жумладан, инженерлик хизмати (бирлашма бош инженери Р. Новицкий) янги ўрнатилган ускуналар яхши ишлаётганлиги учун жиддий танқид қилинди. Бирлашма касаба союз комитети (раиси Р. Султонхонова) транспортнинг аниқ ишлашини таъминлаш учун чоралар кўрмади.

Бирлашма партия комитетига партгруппа иши билан кўпроқ қизиқиши таклиф қилинди. Ишонтириш ва шахсий намуна одамларни тарбиялашнинг асосий воситалари эканлиги ҳақидаги фикр бутун йиғилиш мобайнида қизил ипдай бўлиб ўтди. Айни пайтда сўзлаган коммунистлар сидқидилдан қилинмаган ҳар бир меҳнатга принципиал баҳо беришни, ишлаб чиқариш маромини бузаётган, бракка йўл қўяётганларга қаттиққўллик қилишни талаб этдилар.

Йиғилиш қатнашчилари шу нарсада якдил бўлдиларки, ҳамма камчиликлар, ҳатто энг кичик камчиликлар ҳақида ҳам партия йиғилишида принципиал сўз юритиш керак. Акс ҳолда баъзи камчиликлар ҳаётда бўлиши табиий деган таассурот туғилиши мумкин.

Албатта, танқидий сўз — ишнинг боши, коммунистлар эса мавжуд нуқсонларни бартараф этишнинг аниқ йўлларини белгилашди. Бу йўллар йиғилишда қабул қилинган қарорда белгиланган: коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлаш зарур, коллективнинг ҳар бир аъзосида ишлаб чиқаришнинг хўжайини эканлиги ҳиссини, план ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун масъулиятни тарбиялаш зарур.

Б. МАМОНТОВ,
Тошкент шаҳар партия комитетнинг инструктори.

Шаҳримиздаги 1-пойафзал фабрикаси коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг пешқадам тикувчи-мотористкаси Л. Пресучова тасвирланган.

И. Шоинноғомов фотоси.

• СЎЗ—ЦЕХ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ СЕКРЕТАРИГА

Дақиқалар қадри

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари асосида иш юритаётган цехимиз партия ташкилоти жанговарлик ва ташаббускорликни муттасил ошириб боришга, коммунистларнинг етакчилик ролини кучайтиришга интилмоқда. Маълумки, ҳозир масъулиятли палла — партия қуйи звеноларида ҳисобот ва сайловлар даври. Цехимиз коммунистлари унга ҳар томонлама фаол тайёргарлик кўрмоқдалар. Қилинган ишларни назардан ўтказиб, унга холисона баҳо беришга, кўпроқ ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларни кўтаришга асосий эътиборни қаратамиз.

Жанговарлик ва ташаббускорликни ошириш зарурлиги ҳақида бежиз гап бошлаганим йўқ. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг бюроси шаҳримиздаги 9 илғор бригада коллективларининг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига меҳнат унумдорлиги бўйича беш йиллик топшириғини бажариш ташаббусини маъқуллаганидан кўпчилик хабардор. Ана шу ташаббускорлар ичида мен ҳам бор эдим. Бу ташаббусимизнинг моҳияти — қўлга киритилган суръатни бўшаштирмаслик, вазифаларни амалий жиҳатдан ҳал этиш, самарадорликни ошириш юзасидан астойдил иш олиб бориш эвазига республика юбилейига қадар меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш ва маҳсулот таннархини 0,5 процент камайтиришдан иборатдир.

Айниқса, республикамиз пахтакорлари биз, «Ташсельмаш»ликлардан серунум ва аъло сифатли пахта териш машиналарини орзиқиб кутаётган бир пайтда ҳар бир дақиқа қадрига етиб ишлаш талаб этилади. Биз айни пайтда ўзимизнинг интернационал бурчимизни ҳам чуқур ҳис этиб ишлаяпмиз. Негаки, биз яратаётган «зангори кема»лар пахтакорлар оғирини қанчалик енгил қилса, республикамиз пахта хирмони қанчалик тез юксалса, бу бурчимизни шунчалик шараф билан адо этган бўламиз, чунки «оқ олтини»мизни бутун мамлакат кутмоқда.

Юбилейга ҳам оз вақт қолди. Мен ўзим барча коммунистларга, бутун коллективга шахсан намуна кўрсатишга интиляпман.

Коммунистнинг масъулиятини юксак даражада ҳис этишини Ю. Степаненко ва бошқа коммунистлар мисолида яққол кўриш мумкин. Уларга хос фазилат шуки, доимо аҳдлари уддасидан чиқадилар.

Мен ишлаётган 14-цехда пахта териш машиналарининг шпинделлари тайёрланади. Маълумки, машинанинг бу детали жуда нозик ва маҳорат билан иш бажаришни талаб этади. Қолаверса, у терим машинасининг энг муҳим детали ҳисобланади. Бу ерда масъулиятни ошириш зарурлиги ҳақида гапириб ўтириш ҳам ортиқча. Шунинг учун биз комплекс-узлуксиз тарзда иш олиб борувчи фрезерловчилар бригадаси ташкил этганмиз. У меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг янгича усули асосида иш олиб боряпти.

Ўйлаймизки, ташаббус кўрсатиб ва юксак онглилик билан ишлаш бу йил мамлакатимиз пахтакорларига кўплаб янги «зангори кема»лар юбориш имконини беради. Шу кунларда бутун эътиборимиз ана шунга қаратилган.

О. КАРПОВА,
Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи 14-цехи партия ташкилотининг секретари.

Газетхон хабар беради...

ЗАВОД РЕКОНСТРУКЦИЯСИ

Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг вагон-ремонт заводини реконструкция қилишга қарор қилинди. Реконструкция лойиҳаси «Узгипротяжпром» институтининг А. Гафаров раҳбарлик қилаётган группа ходимлари томонидан ишлаб чиқилди. Лойиҳага кўра Енисей кўчасида жойлашган корхонанинг ишлаб чиқариш-маъмурий корпуси кенгайтирилади. Янги трамвай йўллари қурилади, ремонт устахоналари ва бошқа ёрдамчи иншоотлар барпо этилади.

Лойиҳаловчилар ремонтчиларнинг иш шароитини яхшилашга алоҳида аҳамият бердилар. Ишлаб чиқариш корпусининг бинолари ёрқин рангдаги кошинлар билан безатилади. Бинонинг қуёшга қараган томонида эса қуёш тўсқич мосламалар ўрнатилади. Завод территориясида 85 ўринли ошхона қурилади.

В. СМИРНОВ.

...мақтайди...

АБДУМУТАЛГА РАҲМАТ

Авваллари бизнинг кўчада яшовчилар бекўним почта ходимларининг бири келиб, бири кетишини аския қилиб юришарди. Аммо мана 1 ярим йилки бу киноя ўринсиз бўлиб қолди.

Энди кўчамиздагилар бизга хизмат кўрсатувчи 42-алоқа бўлими ходими А. Холматов номини ҳурмат билан тилга олишади. У жуда ширинсухан, камтар ва ўз касбига жон-дилдан меҳр қўйган йигит.

Хуллас, энди биз газета ва журналларни ўз вақтида оладиган бўлдик. Бунинг учун эса бир маҳалла одам бир овоздан: «Абдумуталга раҳмат!» деймиз.

В. ҲАСАНОВ,
Улфат кўчаси, 19-уй.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

ЧОЙХОНАДАН ФАЙЗ КЕТДИ

Куйбишев районидаги «Гулшан» номли боғда шинамгина чойхона бўларди. Чойхона ҳозир ҳам бор, аммо ундан файз кетиб қолди...

Чойхона мудири Мирсоатов ўз ишига ўта бефарқ муносабатда бўлаётганлиги сабабли бу ерда энди аввалгидек дам олиб, суҳбатлашиб ўтириб бўлмай қолди. Чойхонадаги стол ва стуллар ҳам қаёққадир ғойиб бўлган.

Айримлар чойхонани шунчаки одам тўпланадиган маскан деб тушунишади. Бу нотўғри фикр. Чойхона бу — халқаро ва атеистик темаларда, янгича урф-одатлар ва ёшлар тарбияси ҳақида суҳбатлар ўтказиладиган жой ҳамдир.

Мутасадди ташкилотлар бу ҳақда ўйлаб кўришлари лозим.

Ф. РАҲМОНОВ,
меҳнат ветерани.

• Хат босилмади, аммо чора кўрилди

АЙБДОРЛАР ЖАЗОЛАНДИ

Редакцияга мурожаат қилган газетхон С. Абдуллаев Сергели районидаги 7-магазинда савдо ва шиша идиш қабул қилиш жараёни яхши йўлга қўйилмаганлигини маълум қилган эди. Ушбу хатга Сергели райпишчеторги директори М. Азаматовдан жавоб олинди.

Масала торгнинг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама этилган ва кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш бўйича конкрет чоралар кўрилган. Торгнинг шу йил 10 августдаги 123-буйруғига биноан магазин юк ташувчиси Д. Толипов савдо қоидасини бузганлиги учун вазифасидан четлатилган. Мазкур буйруқ билан 7-магазин директори Қ. Усмоновга қаттиқ виговор берилган.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН
Тошкент оқшоми хатлар

МЕҲНАТИНГ—ЗИЙНАТИНГ

Интилганга толе ёр

1936 йилда шаҳримизда тор изли трамвай йўллари 72 километрни ташкил қиларди. Худди шу йилдан бошлаб кенг изли трамвай йўлларини қуришга киришилди. 1940 йилга қадар шаҳримизда 40 километрли кенг трамвай йўли қурилди. Айниқса, Кўкча-Хадра орасида пўлат рельс ётқизувчи йўлсозларнинг шарафли меҳнати республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ўшанда республиканинг биринчи президенти қўлидан эсдалик совға олганлар орасида рельслар орасига тош терувчи Зуфар Ҳошимов ҳам бор эди.

Ҳа, Зуфар ота «Тоштрам»да 43 йил ишлаб янги пўлат йўл магистралларини бунёд этди. Темир йўл вокзали — Кўкча, Тўқимачилар комбинати—Хадра, Тахтапул (ҳозирги Ишчилар шаҳарчаси) — Хадра маршрутлари қурилишларида қадоқ бўлган қўллари унга обрў-эътибор келтирди.

Эндиликда у устоз даражасига кўтарилди. Ўзи ҳунар ўрганган шу цехга мастер этиб тайинланди. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва меҳнат унумдорлиги ўсди.

Ишчан ва камтар йигит раҳбарлар назарига тушди. Ёш коммунист Музаффар Ҳошимов 1970—1973 йилларда шаҳар трамвай-троллейбус бошқармаси комсомол комитети секретари лавозимига сайланди. Ёшлар орасида сиёсий ва тарбиявий ишларга алоҳида эътибор берди. Деполарда комсомол ёшлар бригадалари ташкил этиб, йўловчиларга транспорт хизматини яхшилашда ёшларнинг меҳнат ҳиссасини оширди.

Мана беш йилдирки, бўёқчилик-дурадгорлик цехининг катта мастери М. Ҳошимов маҳаллий комитет раиси вазифасида ҳам ишлаб, электр транспортчиларга қулай меҳнат ва турмуш шароитлари яратиш йўлида ғамхўрлик қилмоқда. Касаба союз ташкилотининг изчил фаолияти билан маршрут ва бригадалараро меҳнат беллашувида юксак самарадорликка эришилмоқда.

Корхона маҳаллий комитетининг ташаббуси билан меҳнат ва технология интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтининг зое ўтишини камайтириш, мусобақани ташкил этишни яхшилаш ўз самарасини бераяпти: ҳар куни 88 та трамвай белгиланган маршрутларда ҳаракат қилиб, салкам 28 миллион йўловчи манзилини яқин қилаяпти. Янги техника ижодкорлари 16 та рационализаторлик таклифини ҳаётга тадбиқ этиб, 7 минг сўмликдан зиёд соф фойда олдилар. Бунинг устига ҳайдовчилар 205,6 минг киловатт-соат электр энергиясини тежашга муваффақ бўлдилар.

— Депода Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа авж олмоқда,—деди биз билан суҳбатда М. Ҳошимов.— Бу йил 51 миллион 300 минг йўловчига юксак маданий хизмат кўрсатиш мажбуриятини олганмиз. Ваъда албатта бажарилади.

Ф. АБДУРАҲИМОВ,
кўп нусхали «Мотор» газетасининг редактори.

• Газетхон муаммо қўйди

ҲАР БИР УЙДА ТЕЛЕФОН БЎЛСИН

Тошкент шаҳар телефон станциясининг мансабдор шахслари кабинетларига узоқ вақт қатнаш, кутишдан сўнг Акмал Икромов район В—13 кварталидаги 45 ва 46-уйларда яшаётган уруш ветеранларининг квартираларига телефон тушириш масаласи ижобий ҳал этилди. Лекин биз бу масала билан яқиндан шуғулланиш жараёнида бутун шаҳарга даҳлдор бўлган бир қатор муаммоларга дуч келдик. Мана, шулардан айримлари.

Уз тажрибамдан биламанки, ҳатто телефонлаштирилмаган (кабеллаштирилмаган) уйларга ҳам «ҳаво усули»да телефонлар ўрнатилади. Тошкент шаҳар телефон станциясида изоҳлашларича, бу алоҳида ҳолларда қилинади. Шаҳар телефон станцияси учун квартираларни бундай усулда телефонлаштириш қулай эмас: симни бир нечта уйнинг томи орқали ўтказилиб, форточкагача етказилади ва у ердан квартирага киргазилади. Бу ишончли эмас. Шахсан мен бундай телефонга хизмат қилишга рози бўлмасдим. Тошкент шаҳар телефон станциясида эса бундай «иншоотлар» минглабдир.

Соғлом фикр бундай қилмаслик керак дейди. «Ҳаво усули» шаҳримиз қиёфасини бузади. Бу уйларни ўз вақтида телефонлаштирилмаганлиги оқибатидир. Тошкент шаҳрида эса бундай телефонлаштирилмаган кўп квартирали уйлар жуда кўп. Аслида эса улар бўлмаслиги керак. Ахир, ҳар қандай бинони қуриш лойиҳасида иссиқлик, электр, газ, радиофикация, канализация ва сув таъминоти билан бир қаторда, телефонлаштириш ҳам кўзда тутиладику. Менимча, лозим бўлган даражадаги банк назорати бўлмаса керак. Акс ҳолда бажарилмаган ишга ҳақ тўланмаган бўларди ва қурувчилар ишни охиригача етказишни одат қилишарди.

Менимча, янги АТСлар қурилишини планлаштириш иши қониқарли, лекин планларни амалга оширишда батамом қолоқлик ҳукм суряпти. Амалда биронта ҳам АТС биноси ўз вақтида топширилмаган. Одатда у ёки бу объектни қуришни бошлаш ва тугаллаш муддатлари кварталдан кварталга, йилдан йилга кўчирилади.

Менга маълум бўлишича, ҳозир Тошкент шаҳар телефон станцияси раҳбарлиги 66/67 ва 65-АТСлар қурилишини тугаллашни тезлаштириш ташвиши билан банд. Улар буюртмачига ва пудратчи ташкилотга қандай қилиб дурустроқ таъсир кўрсатишни ўйлашяпти. Тошкент шаҳар ижроия комитети капитал қурилиш Бош бошқармаси турар жой массивларида телефонлаштириш объектлари қурилиши масаласида қандай роль ўйнаяпти, унинг бу ишлардаги вазифаси нималардан иборат!

Мен ўз масаламнинг ҳал этилишига эришдим. Айни пайтда жамоатчилик манфаатига хизмат қиладиган масалалар ижобий ҳал этилишини, менинг танқидий мулоҳазаларим таъсирчан бўлишини истардим.

У. ОТАБЕКОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, КПСС аъзоси.

Илтимосимизга биноан У. Отабековнинг мактубида кўтарилган масалаларга Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш Бош бошқармаси бошлиғи В. ЛИЧКОВ жавоб беради:

— Турар жой массивларига келадиган бўлсак, ҳақиқатда тайёр ёки қурилаётган телефон станциялари бўлмаган турар жой массивларида ички квартал телефон ишлари амалга оширилмайди. Чунки телефон кабели ерда тезда ишдан чиқади.

Квартал ичига кабель ётқизиш бу ерда телефон қувватлари, яъни АТС биноси қурилгач бошланади. Жумладан, Ким Пен Хва ва Қўйлиқ 5—Б массивлари ўз вақтида ички квартал телефонлаштирувисиз топширилганди. Ҳозир техник қувватлар пайдо бўлгач бу камчилик тугатиляпти. Марказ—17, 18 кварталларида ҳам имконият туғилиши билан телефон канализацияси ётқизиш ишлари тугалланяпти. Бу йил Қорасув, Бошлиқ, Физкультурная, Грозавая, Иваново тўқимачилари массивларида иш бошлаймиз.

Капитал қурилиш Бош бошқармаси шаҳар бўйича асосий қурилиш буюртмачисидир. У АТСлар қурилишига ҳам даҳлдор. Мактуб муаллифининг телефон станциялари қурилиши белгиланган графикдан ортда қолаётганлиги ҳақидаги фикрига қўшилмасдан бўлмайди. 66/67-АТСи «Узбекгидроэнергострой» томонидан биринчи ярим йилликда фойдаланишга топширилиши керак эди. Аммо ҳамон бу объектда тугалланмаган ишлар бор. «Главташкентстрой»нинг 8-трести 65-АТСни планда белгиланганидек учинчи кварталда топширолмаслиги маълум бўлиб қолди. Биз шу боисдан бу ерда аппаратураларини босқичма-босқич монтаж қиляпмиз. Мақсад уни иложи борича тезроқ фойдаланишга топширишдан иборат.

Улуғ Ватан уруши иштирокчиси У. Отабеков кўтарган масала шаҳримиздаги энг мушкул масалалардан биридир. У кун сайин эмас, балки соат сайин ўсиб боряпти. Ҳозирги пайтда АТС қурилиши турар-жой қурилишидан ортда қолаётганлиги сабабли кўпгина турар жой массивлари телефонлаштирилмай қолди. Редакцияга юзлаб ҳамшаҳарларимиз мурожаат қилишади. Булар орасида ҳукумат белгилаган имтиёзларга эга бўлган ғоят ҳурматли кишилар, уруш инвалидлари ва қатнашчилари бор. Улар квартираларига телефон ўрнатиб беришда ёрдам кўрсатишни илтимос қилишади. Тошкент шаҳар телефон станцияси раҳбарлари эса бизга қуруқ ва бир хил жавоб беришади. Ҳозирча техник имкониятлар йўқ, дейишади.

РЕДАКЦИЯДАН: Капитал қурилиш Бош бошқармаси сингари нуфузли буюртмачини, пудратчини объектларни муддатида топширишга мажбур этиш учун катта ҳуқуқлар, шу жумладан молиявий ҳуқуқлар бор. Нима учун у бу ҳуқуқлардан фойдаланмайди? Афтидан капитал қурилиш Бош бошқармасида шаҳарда телефон тармоқларини ривожлантириш муҳимлигини англамаганга ўхшайдилар ва янги АТСлар қурилишига етарли эътибор билан муносабатда бўлмаяптилар, пудратчи ташкилотларнинг ишини назорат қилмаяптилар. Бугунги кун талаблари билан қараганда, бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

• ПОЙТАХТ ҚУРИЛИШЛАРИДА

ГЎЗАЛЛИК ЯРАТУВЧИЛАР

Пойтахтнинг Халқлар дўстлиги майдони кун сайин чирой очиб боряпти. Бу ерда янгидан-янги турар жой бинолари, маданий-маиший объектлар қад ростламоқда. Бу ерда бўлган кишининг кун ора ўз жамолини кўз-кўз қилаётган яна бир тўққиз қаватли турар жой биносига кўзи тушади. Бу янги уйнинг биринчи қаватига «Гастроном», «Буюртмалар қабулхонаси», «Кафетерий» жойлашган...

Ҳозир бу ерда пардозлаш ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда. Биз аввал баландлиги 1—1,5 метрли мармар зиналардан кўтарилиб, «Буюртмалар қабулхонаси»га кирдик. Сайқал ишлари қизғин давом этяпти. Баландлиги 4—5 метрли кенг, ёруғ зал чиройи киши диққатини дарҳол ўзига жалб этади. Ўзбек миллий меъморчилиги анъаналарига биноан бу бинонинг девор ва шифти нақш билан ишланмоқда. Ўймакорлик, ганчкорлик намуналари гўзаллигини кўриб киши беихтиёр завқланади.

— Қурилиш ишлари ниҳоясига етди,— деди бизни қарши олар экан 159-трестга қарашли 56-қурилиш бошқармаси прораби Жўра ака Ҳамидов. — Бу бинонинг қурилиш монтаж ишларини трестимизнинг 9-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари амалга оширишган. Сайқал ишларини эса 56-қурилиш бошқармаси пардозловчилари билан бирга Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига қарашли «УзЭРХИМ»нинг ўймакорлари амалга оширишяпти. Шу кунгача 820 минг сўмлик иш бажарилди. Яна 60 минг сўмлик сайқал ишларини амалга оширамиз.

Шундан сўнг биз «Гастроном»га кирдик. Бу ерда ҳам ўймакорлик ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда. Зал тўридаги туркман гиламлари сингари товланиб турган турли ранг берилган ўймакорлик ишлари киши диққатини ўзига тортади.

Бу ерда меҳнат қилаётган кишиларнинг аксарияти комсомол-ёшлардан иборат. Ёшлар гўзалликка шайдо бўлишади. Шунинг учун ҳам улар бу ерда ана шундай бир гўзал чаманни яратмоқдалар. Қурувчи-ганчкорлар Т. Ҳасанов, Х. Рўзиев, А. Ғуломов, О. Раҳимов, А. Мирзаев, Ж. Мавлонов, А. Рашидовлар ўзларининг бутун маҳоратларини ишга солишиб, ўймакорлик ва нақш ишларини сифатли бажармоқдалар. Мирза Раҳимов, Зинаида Кобаленкова ва Сайибжон Салимов бошлиқ ўймакорлар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига бошланган мусобақада пешқадамлик қилишмоқда. Улар бу объектни республикамиз юбилейигача фойдаланишга топшириш учун курашмоқдалар.

Ҳа, ҳадемай Халқлар дўстлиги майдонида аҳоли учун яна бир қатор қулайликлар яратилади. Улар бу ерга ташриф буюришиб ўз ҳожатларини чиқарадилар. Шу билан бирга ўзбек миллий меъморчилигининг замонавий намуналарини кўриб маънавий завқ-шавқ оладилар.

М. НАЗАРОВА,
А. ИДРИСОВ,
ТошДУ студентлари.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўз зиммаларига олган йиллик план-топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун социалистик мусобақани тобора авж олдириб бормоқда. Диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу суратда сиз корхонанинг илғор тикувчиси коммунистик меҳнат зарбдори А. Сплюхинани кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

МАКТУБЛАРНИ ЎҚИБ

ҚИШ—СИНОВ ДАВРИ
ЁКИ ЯНА ИСИТИШ МАСАЛАСИ ҲАҚИДА

Совуқ тушаётгани ҳақида биз биринчи бўлиб хабар топдик. Синоптикларнинг маълумотлари бўйича эмас албатта, балки оқшомхонларнинг ташвишли хатлари ўзига хос бир барометрдирки, уларни ўқиб, совуқ яқинлашаётганини билиб олдик.

Албатта, иситиш батареялари тузатилган, ҳамма нарса жойида бўлган квартираларда буни сезишмайди. Ҳатто қайнаб кетган радиаторларни бураб қўйишади. Бундай қулай имкониятларга эга бўлмаган оқшомхонлар эса ўз хатларида шундай эътирозлар билдиришяптики, бунга қўшилмасликнинг асло иложи йўқ.

Чилонзор массивидаги 6-квартал 38-уйда истиқомат қилувчи (4-турар жойлардан фойдаланиш участкаси) Л. Костина, С. Абдураҳмоновалар бир неча бор турар жойлардан фойдаланиш участкаси бошлиғига, район Совети ижроия комитетига, шаҳар уй-жой бошқармасига мурожаат қилдилар. Лекин уларнинг арзига ҳеч ким қулоқ солмади. Оқшомхонларнинг ёзишларига қараганда, турар жойлардан фойдаланиш участкасининг сантехниклари квартирама-квартира юриб, бир кунда батареяларни ўрнатиб беришга 250—300 сўмдан пул беришларини таклиф қилаётган эмиш. Демак, участкада материал ва ишчи кучлари бор экан-да. Оқшомхонларнинг хатларида жон бор.

Худди шундай хатларни Юнусобод массивидаги 15-квартал, 74-уйда истиқомат қилувчи оқшомхонлар Журавлева, Бабак, Ильина, (жами 13 имзо) йўллаган хатда келтирилишича 76-турар жойлардан фойдаланиш участкасидагилар ўтган йилги қиш сабоғини ёдларидан чиқариб қўйишибди. Шу пайтгача мавжуд аҳволни яхшилаш юзасидан тегишли чоралар кўришмаяпти. «Подъездлардаги эшик ва деразаларнинг ойналари синганига уч йил бўлиб қолди. Квартираларда ҳарорат бу йил яна 15 даражадан ошмайдиганга ўхшайди. Буни ўйлашнинг ўзиёқ баданни жунжиктириб юборади».

Оқшомхон С. Косов (Чилонзорнинг 3-кварталидаги 66-уй, 39-квартирада истиқомат қилувчи) шаҳар уй-жой бошқармаси ходими Козлова, Чилонзор турар жой эксплуатация ишлаб чиқариш тресты ходими Мирзақулов ва 46-турар жойлардан фойдаланиш участкаси ходими Гласюкларнинг кўрсатаётган найранглари ҳақида ёзиб юборган. Унинг ёзишича, Козлова иситиш системаси бўйича мутахассис эмаслигини айтибди. Хуллас, бу масаладан ўзини четга олган. Унга айтилган арзи-доднинг фойдаси йўқ. Турар жойлардан фойдаланиш участкаси ходимлари ҳам кун ўтса бўлдига ўтиб олишган.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай бўлаяпти. Турар жой-коммунал хизмати масъул ходимлари шунчалик устаси фаранг бўлиб кетишганки, «Албатта тузатиб берамиз, назорат остига олганмиз», деб ҳар гал сувдан қуруқ чиқиб кетаверишади.

«Чилонзор районидаги 4-турар жойлардан фойдаланиш участкасининг бош инженери Ф. А. Гробер ўзининг квартирасида иситиш батареяларини жуда қойилмақом қилиб ўрнатиб олган,— деб ёзади Голубь (6-квартал, 2-уй, 15-квартирада истиқомат қилувчи), бироқ аҳолининг илтимосларига эса (биз бир уйда турамиз) ҳеч қулоқ солмайди».

Турар жойлардан фойдаланиш участкаларининг раҳбарлари ўз квартираларида иситиш батареяларини жуда боплаб ўрнатиб олганликлари тўғрисидаги бундай хатлар кўплаб келиб турибди. Хўш, бундай раҳбарларнинг ўз ҳузур-ҳаловатларини олдиндан кўзлашларини қандай баҳолаш керак!

Новий путь кўчасидаги 83-уйда истиқомат қилувчи бир группа оқшомхонлар шаҳар уй-жой бошқармаси, район Совети ижроия комитетидан расмий жавоблар йўлланган бўлса ҳам аммо иситиш таъминотини яхшилаш учун ҳеч қандай чоралар кўрилмаётгани ва қиш яқинлашган сари ташвишга тушаётганликларини ёзиб юборишган.

Маткаримов, Похиткова, Фомина, Винярский, Костова (Тошкент трактор заводи массиви, 11-уй) худди шундай мазмунда хат йўллашган. Яъни профилактика ремонти сифатсиз ўтказилган. «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг турар жой коммунал бўлими иситиш системасини етарлича назорат қилмаётир. Томдан чакка ўтади. Кузги-қишки мавсум яқинлашган сари аҳолини ташвиш босаяпти.

Бу хатлардан кўриниб турибдики, турар жой-эксплуатация ишлаб чиқариш трестининг кўпгина ходимлари учун ҳозир қизғин иш дамлари бошланди. Негаки, қиш мавсумига кўп вақт қолгани йўқ. Қиш — синов даври эканлигини турар жой органлари ходимлари ёддан чиқармасликлари керак.

Р. НУЪМОНОВ.

ЛОЧИНЛАР ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

«Ветеранларнинг эсдаликлари» қўшиғи фронтчи учувчиларга жанговар ёшликни эслатди. СССР ҳаво флоти куни арафасида бу қўшиқ Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи гарнизонларидан бирида Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг авиатор жангчилар билан учрашувида янгради. Қўшиқ авторлари— подполковник В. С. Ли ва уруш ветерани А. Е. Чернаткина уни ғалабанинг 40 йиллигига бағишладилар.

Авиация қуроли устаси Чернаткинанинг жанговар йўли Сталинграддан Берлингача борди. Урушдан сўнг тинч меҳнатга қайтган Александра Ефимовна жанговар учувчи дўст ўртоқлари тўғрисида эсдалик шеърларини ёзди. Офицер Виктор Сергеевич Ли шундай шеърлардан бирига музика басталади. Бутуниттифоқ ҳаваскорлик ижодиёти фестивалининг лауреати В. Ли жуда кўп қўшиқ басталаган.

Армия композитори ижодининг сарчашмалари узоқ болаликка бориб тақалади. Виктор Сергеевичнинг отаси созанда бўлиб бир неча асбобларни чалган. У тўрттала ўғлини ҳам музикага меҳрли қилиб тарбиялади. Шундай қилиб, кичик бир оилавий ансамбль клублар ва маданият саройларининг саҳналарида муваффақият билан концертлар берди. Виктор Сергеевич музикани ҳеч қачон унутмади. Ҳарбий хизмат тақозоси офицерни қайси бир гарнизонга юбормасин ҳамма ерда у бадиий ҳаваскорликнинг пешқадам қўшиқчиси бўларди, кейин композитор бўлиб етишди.

— Виктор Ли ижоди тамомила ватан ҳимоячиларига бағишланган, — дейди Ўзбекистон композиторлари союзи ҳарбий-ватанпарварлик комиссиясининг аъзоси, республика халқ артисти Ш. А. Рамазонов. — Унинг қўшиқлари округ жангчиларига мансур. Бу қўшиқлар саф тортиб турганда ҳам, юришда ҳам, дам олишда ҳам, солдат клубида ҳам янграмоқда.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи.

(ЎзТАГ).



Пойтахтнинг Аҳмад Дониш кўчаси тобора чирой очиб бормоқда. Бу ерда кўплаб социал, маданий-маиший объектлар, кўп қаватли турар жой бинолари қад кўтармоқда. Яқинда бу кўчада яна бир кўп квартирали 9 қаватли муҳташам бино фойдаланишга топширилди. Унда аҳоли эҳтиёжи ҳам ҳисобга олинган. Бинонинг биринчи қаватида кундалик моллари билан савдо қилувчи магазин жойлашади.

Х. Мирзакаримов фотоси.

Инсон, йўл, автомобиль

ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда, энг аввало шаҳарларда автомобиллар сони кўпайиб бормоқда. Шу муносабат билан ҳаракат хавфсизлигига эҳтиёж ҳам ошяпти. Йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олишнинг янада самарали тадбирларини қўллаш бўйича коллектив изланишлар олиб боряпти. Инсонни йўллардаги бахтсиз тасодифлардан қандай ҳимоя қилиш мумкин? Автомобиллар оқимининг интенсивлиги ўсиб боришини қандай меъёрга солиш мумкин? Биз Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг бошлиғи, «Инсон. Йўл. Автомобиль» жамоатчилик советининг раиси, милиция подполковниги М. А. ВАУЛИНга мурожаат қилиб ана шу ҳақда гапириб беришни илтимос қилдик.

— Михаил Андреевич, автомашиналарнинг кўпайиши билан кўчалардаги тасодифларнинг кўпайиши ўртасида боғлиқлик борми? Ёки бошқача айтганда автомобиллар сонининг ошиши кўча тасодифлари сонининг ошишига таъсир этадими? Аввало шу ҳақда билишни истардик.

— Йўл ҳаракатини бошқаришни ташкил этишдаги қолоқлик, транспорт воситаларининг конструкцияларидаги айрим такомиллашмаган қисмлар тормоз системаси, ёритиш жиҳозлари, бошқа агрегатлар, шунингдек йўллардаги турли ноқулайликлар маълум маънода бугунги кун талабларига кўнгилдагидек жавоб бермаётганлиги ҳақида сўз юритиш мумкин. Шундай бўлсада, йўл ҳаракатининг мураккаб шароитларида пиёдалар ва ҳайдовчилар сергаклигининг паст савияси, йўлнинг ҳаракат қисмида интизомнинг етарли эмаслиги биринчи даражали хавф-хатарга сабаб сифатида тилга олиняпти.

—Демак, йўл-транспорт ҳодисаларининг асосий сабаби шаҳар автопаркининг кўпайишида эмас, балки ҳаракат иштирокчиларининг оддий қоидаларга риоя этмаётганлигидадир? Агар шундай бўлса, шаҳардаги ҳаракат маданияти тўғрисида сизнинг фикрингиз қандай?

— Шаҳарда ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг интизомини яхшилаш масаласи жуда ҳам зарур. Кўпинча кўча қоидалари онгли равишда бузилади ва бу ГАИ ходимларини жиддий ташвишлантирмоқда.

Йўловчилар тўсиқларни ошиб ўтиш, биноларнинг подъездларидан кўчага чопиб чиқиш ман этилишини, йўлни кесиб ўтаётганда махсус жойлардан ўтиш лозимлигини билишмайди, деб ўйлайсизми? Хўш, ҳайдовчилардан қайси бири маст ҳолда рулга ўтириш ёки светофорнинг қизил чироғида кўчани кесиб ўтиш мумкин эмаслигини билмайди, деб ўйлайсиз. Буни ҳамма билади, лекин афсуски ҳамма ҳам унга риоя қилавермайди.

— Сизнинг фикрингизча кўча қоидаларига нописанд муносабатнинг сабаби нимада?

— Бу саволга бирданига жавоб бериш мушкул. Пиёда ёки ҳайдовчини кўча қоидаларини бузишга ундаётган сабаблар жуда ҳам кўп. Аммо асосийси, менимча, айрим граждданлар томонидан мураккаб йўл шароитларини етарли даражада тушуниб етмасликдир. Йўл ҳаракати қоидаларига доимо амал қилиш ва буни эсдан чиқмайдиган одатга айлантириш тақозо этилади. Бу туйғуни ҳайдовчи ёки пиёдами ким бўлмасин, йўл ҳаракатининг барча қатнашчисида камол топтириш, шакллантириш зарур. Бу муаммо эса тажрибанинг кўрсатишича унчалик ҳам осон ҳал этилавермайди.

— Бу борада Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг Давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси томонидан қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Тартиб бузилишининг олдини олишга биз ҳамма вақт жуда катта эътибор қаратяпмиз. Бу соҳадаги ишлар бир неча йўналишда олиб боріляпти. Транспорт ва пиёдалар ҳаракатини назорат қилиш, қоидабузарларга маъмурий чоралар кўриш, кенг омма ўртасида йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб этиш ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир. Шуниси сир эмаски, айрим кишилар ГАИ ходимларининг ишини тўғри тушуниб етмайдилар. Улар кўпинча ГАИни чора кўрувчи орган деб тушунадилар. Аслида бундай эмас. Тўғри, тартиб бузарларга нисбатан амалий чоралар кўриш шарт. Қоидабузарни топиш ва жазолашга интилиш эмас, балки қоида бузилишининг ўз вақтида олдини олиш бизнинг асосий вазифамиздир.

Йўл ҳаракатининг барча иштирокчилари ўртасида ҳуқуқ пропагандасини кенг тарғиб қиляпмиз. Ана шу мақсадда оммавий информация ва пропаганда воситалари, газеталар, радио ва телевидениедан кенг фойдаланиляпти.

ГАИнинг агитация автобусидан фойдаланиш ҳам бу борадаги энг янги пропаганда воситаларидан биридир. Келгусида биз ҳар бир автотранспорт тресги ва бошқармасида шундай бригадалар тузишга эришамиз.

ГАИнинг йўл-патруль хизмати ишлари ҳам активлаштирилди. Транспорт ва пиёдалар ҳаракатини назорат қилиш ҳам қоида бузилишлари олдини олишда муҳим тадбир бўлмоқда. Ҳар куни шаҳар кўчалари ва автомагистраллари да ГАИнинг патруль автомобиллари, ўнлаб автотранспорт хўжаликларининг махсус назорат-ўлчаш аппаратлари билан жиҳозланган ҳаракат хавфсизлиги хизмати автомобиллари ҳаракат қилмоқда.

Бизнинг кўнгилли ёрдамчиларимиз бўлган жамоатчи автоинспектор дружиначилар ҳақида ҳам яхши гаплар айтиш мумкин. Улар милиция ходимлари билан елкама-елка туриб, ҳар куни транспорт ва пиёдалар ҳаракатини назорат қилишда актив иштирок этишяпти. Фақатгина йил бошидан буён улар томонидан ўн минглаб қоида бузилиши аниқланди.

Бундай ишлар кенг кўламда олиб боріляпти. Аммо йўл-транспорт ҳодисалари мавжуд экан, биз хотиржамлана олмаймиз. Шунинг учун ҳам кўча тасодифларининг олдини олишнинг янги самарали воситаларини излаш биз учун яна ҳам зарур, деб ўйлайман.

— Ҳозир мактабларда машғулотлар бошланди. Минглаб ёш тошкентликлар ёзги таътилдан сўнг яна ўз парталарига ўтирдилар. Худди мана шу даврда Давлат автомобиль инспекцияси органлари олдида қандай проблемалар келиб чиқяпти?

— Айнан мана шу даврда кичик ёшдаги пиёдалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг миқдори ошиб кетади. Каникул даврида интенсив йўл ҳаракати шароитларидан узоқда бўлган ўқувчилар шаҳар кўчаларидаги мураккаб шароитларда ўзларини йўқотиб қўядилар, кўча қоидаларини унутиб қўядилар. Бу эса кўп ҳолларда бахтсиз ҳодисалар билан тугайди. Шунинг учун ҳам янги ўқув йили бошланиши олдидан ГАИ бошқармаси томонидан ота-оналар ва мактаб ўқувчилари учун махсус эсда тутиш лозим бўлган кўрсатмалар чиқарилди. Унда болаларнинг мактабга бориши ва уйга қайтиши маршрутлари намуналари кўрсатилган. Белгиланган ва яхши ўзлаштирилган бундай маршрут кўп ҳолларда ўқувчиларнинг йўл ҳодисаларида тўғри йўл тутишларига имкон беради. Шаҳардаги барча мактабларда машғулотлар бошланиши олдидан ГАИ ходимлари томонидан болалар учун йўл ҳаракати қоидалари бўйича суҳбатлари ўтказилди. Ўнта мактабда йўл белгилари, светофорлар, кўргазмали жиҳозлар бўлган автошаҳарчалар қурилишига ёрдам кўрсатилди. Аммо бу чоралар болалар травматизмининг бутунлай олдини ололмайди. Шу нарса зарурки, болаларнинг кўчалардаги хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳар бир катта ёшли кишини, шаҳримизнинг ҳар бир гражданини жиддий ташвишлантириши ва улар ёш пиёдаларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун шахсан масъул эканликларини тушуниб етишлари лозим.

«Ёш гвардия» нашриёти Ботир Носировнинг «Олтин қаср фожиаси» номли детектив қиссасини босмадан чиқарди.

• Детектив жанр ишқибозларига

«Олтин қаср фожиаси»

Одатда детектив жанрда ёзилган асарларнинг ишқибозлари кўп бўлади. Сеҳрли воқеа-ҳодисалар, ғаройиб саргузаштлар психологик таҳлил, мураккаб сюжетлар асосида қурилмаган бўлса-да, воқеаларнинг қизиқарли ҳикоя қилиниши билан эътиборни жалб этади. «Олтин қаср» фожиаси» ҳам ана шундай детектив жанр талабларига тўла жавоб беради. Лекин унда ножўя хатти-ҳаракатлари билан бошқалар ҳақига хиёнат қилувчи, бойлик орттириш учун ҳар қандай қабиҳликлардан қайтмайдиган товламачи ва жиноятчиларнинг қилмиш-қидирмишлари ҳикоя қилинади.

Ёш адиб Ботир Носиров кўп йиллардан буён Ички ишлар системасида, ГАИ бошқармасида ишлаб келади. У ўзининг кўп йиллик кузатишлари, ишдаги ва ҳаётдаги тажрибалари асосида китобхонларга ҳавола этган детектив қиссасида милиция ходими Шерзод Баҳромов образи орқали ўз ҳамкасбларининг хайрли ишларини жонли ҳаётий лавҳаларда умумлаштириб кўрсатишга ҳаракат қилган.

Қиссада кишиларнинг шахсий машиналарини ўғирлаб сотишни ўзига касб қилиб олган ва кўплаб кишиларнинг ҳаётдан кўз юмишига сабабчи бўлган жиноятчилар тўдаси қандай фош этилганлиги билан танишасиз. Китобга Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрининг ўринбосари, милиция генерал майори М. Н. Султонов сўз боши ёзган.

М. АЛИЕВ.

СУРАТДА: Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг йўл назорати инспектори, милиция катта сержанти Ж. Қувватов жамоатчи автоинспекторлар билан ҳаракат хавфсизлиги масалалари бўйича суҳбат ўтказмоқда.

Ҳ. Саидов фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

МУСТАҲКАМ НЕГИЗДА

ВАРШАВА. Польша пойтахтида «Польша Халқ Республикаси ташқи сиёсатининг 40 йиллиги» мавзуида кўргазма очилди.

Кўпгина ҳужжатлар, фотосуратлар СССР билан мустаҳкам иттифоқ ва бузилмас дўстликка асосланган ПХР ташқи сиёсати ривожланишининг асосий босқичлари тўғрисида ҳикоя қилади. Экспозиция ер юзида тинчликни сақлаб қолиш, ядро ҳалокатининг олдини олиш мақсадида Польша ва бошқа социалистик мамлакатларнинг халқаро майдонда изчиллик билан ҳаракат қилаётганликларини акс эттирмоқда.

Кўргазмани ПБИП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ПХР ташқи ишлар министри С. Ольшовский очди.

МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

ПРАГА. Прага метрополитени қурувчиларининг интернационал коллективи меҳнатда катта ғалабага эришди. Ер ости магистралининг узунлиги 2,3 километр келадиган янги участкасидан фойдаланишни синаб кўриш графикда белгиланганидан олдин бошланди.

Ҳукумат комиссияси Чехословак қурувчилари меҳнатига юксак баҳо берди. Улар совет мутахассисларининг ёрдами билан социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариб, трассани белгиланган муддатдан қарийб икки ой илгари фойдаланиш учун тайёрладилар. Зангори экспресслар шаҳарнинг шимолий қисмидаги аҳоли зич жойлашган янги қурилиш районларини Прага маркази билан боғлайдиган кунга яқин қолди.

Бугунги Кампучия. Пномпендаги Комарей лар мактаби.

ТАСС фотохроникаси.

ЮК ТАШИШ ТЕЗЛАШДИ

СОФИЯ. Контейнерлар ортган экспериментал тезюрар юк состави Болгария пойтахтидан Русе томон йўлга чиқди. Поезд йўл-йўлакай Мездра, Левск ва Горна-Оряховцица шаҳарларига ҳам юк етказиб беради, Руседан эса состав Софиядаги саноат корхоналари учун хом ашё ташиб келтиради. Бу ишларнинг ҳаммаси учун бир кечаю бир кундуз вақт талаб қилинади.

Ҳозиргача ана шу йўналишда юкларни етказиб бериш учун ўн сутка вақт талаб қилинар эди, ҳозир эса юк ташиш 10—12 баравар тезлашмоқда, бу — миллионлаб левни тежаш имконини беради.

КОСМОНАВТИКА МАРКАЗИ

БЕРЛИН. Карл-Маркс—штадтнинг ёш космонавтлари ўз марказининг 20 йиллигини нишонладилар. ГДР ана шу округининг мактаб ўқувчилари тельманчи пионерларнинг 20 йил муқаддам бўлиб ўтган V слёти муносабати билан шу марказни мамлакат касаба союзларидан туҳфа тариқасида олган эдилар.

Карл-Маркс-Штадт — космонавтика маркази шаҳар ёш аҳолиси ва меҳмонларининг кўпдан бери энг севимли экскурсия жойларидан бири бўлиб қолди. Ҳар йили бу ерга 30 мингга яқин киши келади.

ЗЎР ҒАЙРАТ БИЛАН

БУДАПЕШТ. Венгрияда ўз профессионал байрамини нишонлаган кон саноати ходимларини «ер ости ҳазиналарининг хўжайинлари» деб аташади. Улар ана шу байрамни мамлакат озод этилганлигининг 40 йиллиги ва ВСИП XIII съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик ишлаб чиқариш мусобақасида юксак меҳнат муваффақиятларига эришиш билан кутиб олдилар.

Шу кунларда тармоқ коллективлари олинган мажбуриятларни бажариш йўлида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Шахтёрлар мамлакатга 25 миллион тоннадан кўпроқ кўмир беришга, меҳнат унумдорлигини оширишга, энергетика программасини рўёбга чиқариш ишига муносиб ҳисса қўшишга ваъда бердилар. Вишонт шаҳридаги М. Торез номли кўмир разрезининг коллективи мусобақанинг олдинги сафларида бормоқда. Бу коллектив графикдан анча ўзиб меҳнат қилмоқда.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛ

ЛЕЙПЦИГ. Социалистик Иқтисодий Интеграция ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини оширишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири бўлиб қолди. Лейпцигдаги халқаро кузги ярмаркада Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар экспозицияларида муҳим ўринни эгаллаб турган маҳсулотнинг кўпдан-кўп намуналари ана шундан далолат беради. Қардош мамлакатлар потенциалини бирлаштириш юқори сифатли буюмлар хилларини анча кўпайтиришга, мазкур мамлакатлар ташқи савдо ташкилотларининг жаҳон бозорига чиқишига кўмаклашмоқда.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олимлари, инженерлари ва ишчилари билан биргаликда совет павильонининг икки юздан ортиқ экспонати ташкил этилди. Булар автопокришкалар, алюминий, кабелларнинг хилма-хил турлари, фото ва киноплёнкалар шулар жумласидандир. Ярмарка мезбонлари медицина асбоб-ускуналарининг бутун бир туркумини намойиш қилмоқдалар. Бундай медицина асбоб-ускуналари кооперация доирасида СССР, Венгрия ва Чехословакия корхоналари етказиб бераётган комплектловчи узеллар ва деталлардан фойдаланиб ГДР-да ишлаб чиқарилмоқда. Республиканинг 35 йиллиги юбилейи белгиси остида ўтаётган ГДР экспозициясида Совет мутахассислари билан ижодий ҳамдўстликда яратилган янги автомат тўқув станоги томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Лейпцигдаги ярмарка Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ташкил этилгандан бери ўтган 35 йил мобайнида Социалистик Иқтисодий Интеграция чуқурлашуви йўлида эришилган муваффақиятлар кўригигина бўлиб қолмай, бу шунингдек кенг кўламда тажриба алмашиш, шериклар ўртасида савдо-саноат соҳасидаги алоқаларни ва мулоқотларни мустаҳкамлаш, кенгашга аъзо бўлган мамлакатларнинг Москвада ўтказилган олий даражадаги иқтисодий кенгаши қарорларини амалга ошириш йўлида бундан буёнги биргаликдаги тадбирларни келишиб олишни белгилаб берадиган анжумандир.

ЧЕТ ЭЛ МАДАНИЯТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ПРАГА. Шу кунларда Прага, Брно ва Братислава университетларида чех ва словак тилларини ўрганиш анъанавий ёзги курслари ўз ишини тамомлади. 30 мамлакатдан келган 350 дан кўпроқ филолог ва адиб, таржимон ва студент бир ой давомида махсус лекция курсларини тинглашди. Бу лекциялар уларга тил соҳасидаги билимларини такомиллаштиришга ёрдам берди. Улар социалистик Чехословакиянинг экономика, фан ва маданият соҳасида эришган ютуқлари билан ҳам танишдилар.

* * *

БРАТИСЛАВА. Словакия «Спук» халқ қўшиқ ва рақс ансамблининг хонандалари, раққос ва раққосалари ҳамда созандалари Совет Иттифоқига қиладиган гастролларига сўнгги тайёргарликни тамомладилар. Бу донгдор коллектив Словакия миллий қўзғолони 40 йиллигини СССРда байрам қилишда қатнашади, шоили санага атаб махсус тайёрланган программасини совет томошабинларига кўрсатади.

Ана шу фольклор коллективнинг ижодий биографияси 35 йилга етиб қолди. Коллектив шу давр мобайнида халқ музика ижодкорлиги анъана ва урф-одатларини авайлаб сақлаб келмоқда. Ансамбль ташкил этилганидан буён ўтган йиллар мобайнида жами 10 мингдан зиёд концерт қўйиб берди. Бу концертларни деярли 10 миллион киши томоша қилди. Жаҳондаги 50 мамлакат томошабинлари унинг ижрочилик маҳоратини олқишладилар.

ХРОНИКА, ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР

ХАРАРЕ. ЖАРдаги Ледимист ва Коленсе шаҳарлари ўртасидаги йўллардан бирида рўй берган автомобиль ҳалокати оқибатида 22 киши ҳалок бўлди. Автобус, автоцистерна, енгил автомобиль ва велосипед тўқнашди. 26 киши оғир жароҳатланди.

* * *

ТОКИО. Корея ярим ороли жанубида рўй берган табиий офат натижасида 60 дан зиёд киши ҳалок бўлди, 40 га яқин киши бедарак йўқолди ва 30 мингдан кўпроқ киши бошпанасиз қолди. Сеул районида бир куннинг ўзида салкам 30 сантиметр қалинликда ёмғир ёғди. Бир қанча жойларда кучли жала катта сув тошқинлари ва ўпирилишларга олиб келди. Жанубий Корея пойтахти атрофидаги кўпгина шаҳар ва қишлоқлар сув остида қолиб кетди, юзлаб турар-жой бинолари вайрон бўлди ва сув остида қолди, темир йўлларда ва автострадаларда катта-катта уюмлар пайдо бўлди, кўпгина жойларда электр ва алоқа линиялари бузилди.

Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида

ПРАГА. Чехословакия пойтахтининг аҳолиси «Прагани янада кўркамроқ қиламиз!» шиори остида бошланган кампанияга фаол киришди. Бу кампания Чехословак халқи миллий-озодлик кураши тугаганлигининг ва Совет Армияси Чехословакияни озод қилганлигининг 40 йиллиги муносабати билан авж олдириб юборилди. Пойтахт аҳолиси шаҳар парклари ва боғларида ҳозиргача коллектив бўлиб 350 минг соатдан кўпроқ ишлаб бердилар. Маҳаллий советлар, халқ фронти ташкилотлари, ёшлар ва мактаб коллективлари бу кампанияда актив роль ўйнамоқдалар. Янги қурилишлар бўлаётган районларда уларнинг аҳолиси ҳовлиларни, мактаб участкаларини кўкаламзорлаштирмоқда. Прага пионерлари ҳам кампанияда фаол қатнашмоқда.

* * *

ПРАГА. «Келгусидаги кишилар қандай уйларда яшайдиган бўладилар!» — Прагада очилган катта кўргазма шу саволга атрофлича берилган жавобдир. Ёш чехословак архитекторларининг ишлари кўргазма экспозициясига қўйилган. Макетлар, суратлар, чизмалар—республика шаҳарсозлигининг истиқболлари тўғрисидаги мароқли ҳикоядир. Йирик индустриал марказларни ривожлантириш лойиҳалари билан ёнма-ён қишлоқ аҳолисининг турмушини такомиллаштириш планларини кўриш мумкин. Ёш архитекторлар кўпгина назарий ечимлари келгуси беш йиллик мобайнидаёқ жорий этилади.

* * *

УЛАН-БАТОР. Пойтахтдаги ёғочсозлик комбинатининг меҳнатчилари Улан-Батор шаҳрининг 60 йиллигига бағишланган социалистик мусобақада катта муваффақиятларга эришдилар. Улар йил бошидан буён ишлаб чиқариш топшириқларини қарийб 30 процент ошириб бажардилар ҳамда планадан ташқари бир неча юз минг тугриклик ҳар хил ёғоч конструкция ва буюмлар ишлаб чиқардилар. Монголия пойтахти қурилиши ишлаб чиқариш жараёнида бу корхона муҳим ўрин эгаллайди. У ўз буюмлари билан шаҳардаги қурилишларнинг катта қисмини таъминлаб туради. Миқдор кўрсаткичлари жиҳатидан планнинг ошириб бажарилиши билан бир қаторда маҳсулот сифатини яхшилашга ҳам катта эътибор берилмоқда.

* * *

БУХАРЕСТ. Бухарест метрополитенининг биринчи линияси ишлай бошланганидан буён ўтган уч ярим йил мобайнида Руминиянинг биринчи ер ости тезюрар поездлари 185 миллиондан кўпроқ пассажир ташиди. Шу йилнинг ўзида қарийб 45 миллион киши метро хизматидан фойдаланди.

Бухарест метрополитенининг тармоқлари кенгайтирилмоқда. Ҳозирги вақтда 19 километр узунликда линиянинг иккинчи навбати қурилмоқда. Бу линия марказ орқали ўтиб, шаҳарнинг иккита ғоят муҳим саноати районини боғлайди.

СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

● ДУНАЙ УЗРА ЯНГИ КЎПРИК

Венгрия пойтахти — Будапешт ўз кўприклари билан ҳам довруғ қозонган. Шу кўприклардан энг сўнггисини қурувчилар бундан роппа-роса йигирма йил муқаддам Дунай узра бунёд этилган эди. Бироқ эндиликда машиналарнинг олти қатор бўйлаб ҳаракат қилиши ва пиёдалар учун кенг йўлкалар қуриш зарурати туғулиб қолди. Будапештга келадиган туристлар унинг кўприклари бўйлаб саёҳат қилишни жуда хуш кўришади. Янги кўприкдан Дунай яна ҳам ажойиб кўзга ташланади: бу кўприкнинг узунлиги қарийб ярим километр бўлади. Қурилиш ишлари 1988 йилга бориб ниҳоясига етади.

● ҚАНДДАН ГУЛ

Словакиянинг қандолатчилик магазинларида янги маҳсулот — турли хил рангли қандлар пайдо бўлди. Қанддонга солинадиган бундай ширинликлар дастурхонга ажиб бир файз киритади. Уй бекаси бундай қандлардан ажойиб байрам столларини тузаши мумкин. Қандлар тўрт хил рангда тайёрланмоқда: қизил, яшил, сариқ ва ниммкўкрангли ширинликларни харидорлар севиб сотиб олишмоқда.

● ТРАНСПОРТНИНГ ЭНГ ЯНГИ ТУРИ

Париждаги транспортнинг энг янги тури — дирижаблдир. У иккита [двигателнинг ҳар бири двигатель ёрдамида 200 от кучига эга] тезликни соатига 60 километргача ошириши, бир галнинг ўзида 10 пассажир ва 2,5 тонна юкни манзилга етказиши мумкин. Шарль де Голл аэропорти билан Орли ўртасидаги масофани дирижабль 25 минут ичида босиб ўтмоқда. Ваҳоланки, автобуснинг шу оралиқдаги масофани босиб ўтиши учун 1 соат кетар эди...

● ҚУШЛАР ДОКТОРИ

Токиолик врач Тапухиро Таҳахасининг қабулхонаси доимо қуш овозлари шовқини билан тўла бўлади. Япония пойтахтидаги унчалик катта бўлмаган бу клиникада фақат қушлар даволанади. Бундай ихтисослаштирилган даволаш муассасаси дунё бўйича ягона ҳисобланади.

Ветеринар врач Такахаси бундан 21 йил муқаддам ана шу касалхонани очди. Ёшлигида оёқлари шол бўлиб қолганлиги сабабли ётиб қолган эди. У тўрт йилдан ортиқроқ умрини касалхонада ўтказди. Унинг хонасида қушлар солинган бир қанча қафаслар бор. Такахасининг айтишича, унга ана шу қанотли «дўстлари» руҳан тушкунликка тушмасликка ёрдам берган. Эндиликда Такахаси қушларни ҳар хил хасталиклардан асраб қолмоқда. Ҳар куни мамлакатнинг турли бурчакларидан бу ерга 50—100 та қуш даволанишга олиб келинмоқда.

● БОЛАЛАР ФОЖИАСИГА САБАБ НИМА!

Япония маориф министрлиги мактаб ўқувчилари ўртасида ўз-ўзини ўлдириш ҳоллари кўпайиб бораётганлигини ташвиш билан хабар қилди. Ҳаёт билан хайрлашишнинг энг сўнгги сабаби оиладаги ёмон муҳит, ота-оналарнинг қўйди-чиқдиси, фанлардан ёмон ўзлаштириш, келажакка умидсизликдан иборатдир.

● ЧЕКИШНИ ТАҚИҚЛАШ КЕРАК

Финляндия аҳолисининг мутлоқ кўпчилиги иш жойларида чекишга қаршидирлар. Жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари шуни кўрсатяптики, 80 процентдан зиёд чекмайдиганлар ва 40 процентдан ортиқ чекувчилар иш жойларида чекишни тақиқлаш керак, деган фикрни билдирдилар.

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

14 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА

«ШОПЕНИАНА»

КОНЦЕРТ ДИВЕРТИСМЕНТИ

Ф. ШОПЕН МУЗИКАСИГА БИР АКТЛИ БАЛЕТ.

Киров номидаги Ленинград опера ва балет театри солисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ артисти

ИРИНА КОЛПАКОВА

ва балет артистларининг Халқаро конкурси лауреати, РСФСР халқ артисти

СЕРГЕЙ БЕРЕЖНОЙ

иштирок этадилар.

БИЛЕТЛАР НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ КАССАСИДА СОАТ 11 ДАН 20.00 ГАЧА СОТИЛАДИ. **Телефон 33-90-81.**

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА

ҲАР ЯКШАНБА КУНИ СОАТ 11.00 ДА

ПОЙГАЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

ПРОГРАММАДА:

АНЪАНАВИЙ ВА НОМЛИ СОВРИНЛАР УЧУН МУСОБАҚАЛАР БОР.

ОТЧОПАРДА ЎЙИН АТТРАКЦИОНЛАРИ ИШЛАБ ТУРИБДИ.

Пойгада Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССР колхоз, совхоз ва от заводларининг энг яхши тулпорлари иштирок этади.

ОТ-СПОРТ ЛОТЕРЕЯСИ (тотализатор) ИШЛАЙДИ.

Совуқ ичимликлар билан савдо қилувчи буфет томошабинлар хизматида.

«БЕГА» ресторани ишлайди.

Отчопарда йил бўйи (душанбадан ташқари) чавандозлик учун от ва уч от қўшилган аравача прокатга берилади.

ОТЧОПАР КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН ЧАВАНДОЗЛИК УЧУН ОТЛАРНИ ПРОКАТГА БЕРИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ.

Аҳолидан тўй тантаналари учун уч от қўшилган рус аравачаларига буюртмалар қабул қилинмоқда.

КИРИШ БЕПУЛ.

Отчопар адреси: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти (метронинг «Собир Раҳимов» станцияси; 103, 122, 123, 130, 132, 178-автобусларининг «Ипподром» бекати).

ТОШКЕНТ «ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ

АБОНЕНТЛАРГА 15 НОЯБРГАЧА

ЎЗЛАРИНИНГ ВОДОПРОВОД—КАНАЛИЗАЦИЯ ХЎЖАЛИКЛАРИНИ

1984—85 ЙИЛЛАР ҚИШКИ МАВСУМИДА

ФОЙДАЛАНИШГА ТАЙЁР ҚИЛИБ ҚЎЙИШЛАРИНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ



Бунинг учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

— водопровод ва канализацияни профилактик ремонт қилиш;

— мавсумий вақтинча сув тақсимлагичларни беркитиш;

— ташқи водопровод қувурлари ҳисоблаш узели ва сув тақсимлагичларни иссиқ материаллар билан ўраш;

Қишки шаронтда ишлаш учун тайёрлаб қўйилмаган водопровод—канализация хўжалиги шаҳар водопроводи тармоғидан қўшимча огоҳлантиришсиз узиб қўйилади.

Ҳисоб пулларини ўз вақтида тўлаб қўйиш лозимлиги тўғрисида бир йўла эслатиб ўтамиз.

Ҳовлидаги водопроводларни қишки фаслда ишлатиш учун фойдаланиш бўйича қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:

ҳовлилардаги водопроводларни қишки фасл учун шундай иссиқ қилиб ўраш керакки, водопроводларнинг тик турган трубалари ва уларнинг атрофини ўраб турган материаллар оралиғи 40—60 миллиметр бўлиши лозим.

Майда янчилган сомон, қуруқ қипиқ, қуруқ торф ва бошқа иссиқликни изоляция қиладиган материаллар иситиш материаллари бўла олади.

Иситувчи материаллар қатлами камида 30—35 сантиметр бўлиши керак.

Водопроводнинг тик турган трубаси атрофида ўраш учун металл тўрлар, қоплар, қаттиқ қоғозлар ва бошқа материаллар ишлатилади.

Водопроводнинг тик турган трубасини ўраб бўлингандан кейин унинг устидан ёғочли ғилоф туйнук киядирилади ва унинг оралиғида бўш қолган жойлар қипиқ билан тўлдирилади.

Шундай ҳоллар ҳам юз берадики, вентилдан сув томчилаб турган сув иссиқликни изоляция қилиб турувчи материалларга шимилиб қолади. Бунинг учун вентиль тагига тунука ёки шифер бўлагидан кичик тарнов ўрнатиш лозим. Тарнов томчилаётган сувни ёғочли ғилоф ташқарисига чиқариб юборсин. Ёғоч ғилоф тепаси кўтариб олинадиган қопқоқ билан беркитилади ва вентиль маховигига қўл етадиган қилиб туйнук қолдирилади.

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

8—9 СЕНТЯБРДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

XXVII анъанавий «ДЎСТЛИК КАРНАВАЛИ»

Болалар сайли 11.00 да бошланади, карнавалнинг тантанали очилиши соат 18.00 да.

ЭНГ ЯХШИ КАРНАВАЛ КОСТЮМЛАРИ, РАҚСЛАР, ҚЎШИҚЛАР, ҲАЖВИЯЛАР, ҲАЗИЛ МУСОБАҚАЛАР, ЭСТАФЕТАЛАР, КОНКУРСЛАР УЧУН СИЗЛАРНИ МУКОФОТЛАР КУТАДИ!

«УЗБЕККОНЦЕРТ»

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

11, 12, 13, 14, 15, 16 СЕНТЯБРЬ СОАТ 20.00 ДА

СССР ХАЛҚ АРТИСТЛАРИ

ЖЎРАБЕК МУРОДОВ ВА МАЛИКА ҚАЛАНДАРОВА,

ТОЖИКИСТОН ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ

КОНЦЕРТЛАРИ

Билетлар соат 15.00 дан бошлаб сотилади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

ЎЗИНГИЗ ЗАВҚ БИЛАН ФИЛЬМНИ СУРАТГА ОЛАСИЗ!

СИЗ ҲАВАСКОР КИНО САНЪАТИ МУХЛИСЛАРИ

«КВАРЦ-1х8С-2» КИНОКАМЕРАСИНИ

ҚЎЛГА ОЛСАНГИЗ ҲАЁТИМИЗДА ЮЗ БЕРИБ ТУРАДИГАН ЭНГ АЖОИБ, ҚИЗИҚАРЛИ ВА ГЎЗАЛ ВОҚЕАЛАР ҲАҚИДА ҚЎЛБОЛА ФИЛЬМНИ СУРАТГА ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Бу замонавий киносуратга оладиган аппарат рангли, шунингдек «Супер» типидаги оқ-қора тасвирли фильмларни суратга олиш имконини беради.

Кинокамера содда ва ишлатишда ишончлидир.

Унинг акс эттирадиган кўзгуси тасвир ҳаётда қандай бўлса плёнкада ҳам шундай тиниқ акс эттира олади. Суратга олишнинг 5 та частотаси секинлатиб ёки тезлашган ҳаракат тасвирини яратиш, кадрма-кадр суратга олиш эса — мультипликацион фильмлар яратиш имконини беради.

Кинокамера икки батарейка ёрдамида қувват олиб ишлайди.

Аппаратни зарядкалаш КС-8 ёки «кодак» типидаги кассета билан бажарилади.

Суратга олиш частотаси — секундига 8, 12, 18, 24, 32 кадрдан иборат.

Аппарат мурватини бураш пружинали.

Баҳоси — 275 сўм.

Сиз «Кварц-1 х 8С-2» кинокамерасини «Ташкультторг»нинг магазинларидан сотиб олишингиз мумкин.



«ТАШҚУЛЬТТОРГ» (телефон 45-37-24).

СИЗНИНГ ФАРЗАНДИНГИЗ ҚАЕРДА ЎЙНАЙДИ?

ФАҚАТ ҚУРУҚ ПОЛНИНГ ЎЗИДАМИ? ЁКИ НОЗИК МАЙИН ТЎШАКДАМИ?

СОВУҚ ПОЛ ВА ЁЗИЛГАН ТЎШАК ЁШ БОЛАГА НОҚУЛАЙЛИК ТУҒДИРАДИ. АГАРДА ПОЛ УСТИГА ЁРҚИН ГУЛЛИ, ТУКЛИ, ИССИҚ ГИЛАМ ТЎШАЛГАН БЎЛСА, ЭРКАТОЙГА БИР МУНЧА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛГАН БЎЛАДИ!

У бундай қулай поёндоз устида камроқ шамоллайди ва унинг шовқинсиз ўйини оиланинг бошқа аъзоларини безовта қилмайди.

«ТАШХОЗТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИ

ЁРҚИН ГУЛЛИ, ЧИРОЙЛИ, ТЎҚИЛГАН ХИВА ГИЛАМЛАРИНИ,

ЧЕТ ЭЛЛАРДАН КЕЛТИРИЛГАН ГИЛАМЛАРНИ,

ГУЛИ ВА РАЗМЕРИ ТУРЛИЧА БЎЛГАН

ГИЛАМ ПОЁНДОЗЛАР, ПОЛОСЛАРНИ

ТАВСИЯ ҚИЛАДИ

3 — Истиқбол кўчаси, 1-уй;
9 — Строительная кўчаси, 1-уй;
10 — Фарҳод ярмаркаси;
16/1 — Морозов кўчаси (бозор);
17/1 — Сергели (бозор);
18 — Сельмаш кўчаси, 1-уй;
20 — ТТЗ-2 массиви, 2-уй;
25 — Навоий кўчаси, 24-уй;
28 — Оқтепа майдони;
33 — Б. Хмельницкий кўчаси, 1-уй.

ГИЛАМЛАРНИНГ УМРИНИ «БОҚИЙ» ЭТИШ МАҚСАДИДА ҚУЙИДАГИ МАСЛАҲАТНИ БЕРАМИЗ:

— гиламларни энг яхшиси пилесос билан тозалаш керак;

— гиламларнинг мўйи ялтираб туриши учун, уни уксус аралаштирилган сувда бўктирилган юмшоқ супурги ёки майин чўтка (1 литр сувга бир ош қошиғида уксус аралаштирилган) билан тозаланади;

— гиламларни ойда бир марта очиқ ҳавода қуритиш ва қоқиш керак;

— чой шамаси билан гиламларни янада ялтиратиш мумкин.

Бунинг учун шамани гилам устига сепиб, кейин оҳиста супуриб олиш керак.

ГИЛАМЛАРНИ ТОЗАЛАШ ЧОҒИДА ДАҒАЛ ЧЎТКАЛАРДАН ФОЙДАЛАНМАНГИЗ. ЧУНКИ УНИНГ МЎЙИ ТИТИЛИБ КЕТАДИ ВА ТАҚИР БЎЛИБ ҚОЛАДИ. АЙНИҚСА ҚИШ ЧОҒИДА ҚАЛИН ҚОР ЁҚҚАНДА ГИЛАМНИ ТОЗАЛАШ ҲАМ ЭНГ ЯХШИ УСУЛЛАРДАН БИРИДИР.

ГИЛАМЛАРНИ НАҚД ПУЛГА ЁКИ КРЕДИТГА ҲАМ СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.

«ТАШХОЗТОРГ» (телефон 33-33-79).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (ТЕЛЕФОН 45-37-27).

ТВ

ЖУМА

7 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

18.10 «Эртак ҳузурида меҳмонда».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Хоккей бўйича «Канада кубоги» халқаро турнири. СССР—ГФР терма командалари. Канададан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Катта дарё қирғоғида». Бадиий фильм.
23.15 «Дунё воқеалари».
23.30 «Руминия тароналари». Эстрада концерти.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 Алкоголизмнинг зарари ҳақида илмий-оммабоп фильмлар: «Бор эканда, йўқ экан», «Кимнинг нима иши бор».
19.15 И. Брамс. Скрипка ва фортепьяно ижроси учун 2-соната.
19.35 «Сальвадорнинг жароҳати ва ғазаби». Телефильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Ўзбекистон ССР бадиий коллективларининг концерти. Тошкентдан олиб кўрсатилади.
21.00 «Жаҳоннинг боғ ва парклари». Боғ ва парк архитектураси ҳақида телефильм (Франция).
21.30 «Время».
22.05 «Москвичка» телеклуби.
23.20 «И. С. Тургенев. Прозадаги шеърлар». Илмий-оммабоп фильм премьераси.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади». «Эстафета давом этади».
18.55 «Ишга туширилади объектлар — ўз муддатида». Тошкент, Самарқанд ва Сирдарё паррандачилик фабрикалари қурувчиларининг йўриқномаси (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Адабий альманах».
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси Шарқ факультети студентларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Цирк майдонига йўл». Бадиий фильм.
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Ғалабанинг 40 йиллигига. «Суронли хотиралар». Ҳужжатли фильм.
19.00 Реклама.
19.10 «Китоб дўстлари» (рус.).
19.40 «Белокуриха». Ҳужжатли фильм.
19.50 Тошкент янгиликлари.
20.10 «Қалъа жавоб беради». Бадиий фильм.
21.30 МТ II

ШАНБА

8 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Спортлото»нинг 36-тиражи.
9.50 «АБВГДейка».
10.40 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
11.10 Корейс халқининг миллий байрами —КХДР эълон қилинган кунга. «СССР — КХДР: дўстлик ва ҳамкорлик йўлидан». Ҳужжатли фильм. «Мансурда» ансамблининг концерти.
11.50 «Об-ҳаво романтикалари». Метеорологларнинг иши ҳақида телефильм.
12.05 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». РСФСР халқ рассоми П. Фомин. Ленинграддан олиб кўрсатилади.
12.50 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Голиблар». Фронтдош дўстлар клуби. Авлодлар учрашуви.
13.50 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.20 А. Твардовский. «Катта ва кичик Ватан ҳақида».
15.05 «Дунё воқеалари».
15.20 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
16.20 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
16.50 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
17.20 Мультфильм.
17.35 «Қишлоққа қўшиқ учун». Музикали кўрсатув.
18.30 «Тош териш пайти...». АҚШ маъмуриятининг агрессив ташқи сиёсий йўли ҳақида ҳужжатли фильм премьераси. Кўрсатувни автор — журналист В. Кобиш олиб боради.
19.00 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». «Агра хазинаси». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.
21.30 «Время».
22.05 «Бугунги София». Киноочерк.
22.25 «Энг узун кун». «Йил фасллари» туркумидан музикали эстрада кўрсатуви.
23.30 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 Ҳужжатли фильмлар: «Хотирамиз посбонлари». «Яшил шаҳар».
10.05 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
10.35 «Саёҳатчилар клуби».
11.35 ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
12.45 «Смоленск тупроғида». Музикали кўрсатув.
13.50 Ритмик гимнастика.
14.20 «Музикали киоск».
14.50 Мультфильмлар.
15.20 «Мана бутун ҳаётим». Ҳужжатли фильм.
15.40 «Хайр, ёз». Мактаб ўқувчилари учун киноконцерт.
16.15 «Газандалар уяси». К. С. Станиславский номли Москва драма театри фильм-спектаклининг премьераси. Автор — А. Кирицеску.
18.55 «Ёзувчи ва замон». Е. Носов. Курск педагогика институти ўқитувчилари ва студентлари билан учрашув.
20.15 «Халқаро обзор».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 «Нима? Қаерда? Қачон?». Телевикторина.
23.10 «Кинотомошабин ҳамроҳи».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига: «Ҳужжатли кино экрани».
11.10 «Хайрли соатда». Бадиий фильм (рус.).
12.40 «Шахмат мактаби».
13.10 Мультфильм.
13.30 «Фан уфқлари».
14.00 Телевизион театр почтасидан.
17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 Болалар учун фильм. «Бўлмаган воқеа».
18.40 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
19.10 «Бугун— Журналистларнинг халқаро бирдамлик куни».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Мультипанорама.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ялла ва рақс кечаси». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Пахтакорлар юбилей вахтасида».
22.25 «Эртага —премьера». Киноқўрсатув.
23.35 Кўрсатувлар программаси.

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9.00—16.15 МТ II
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун фильм. «Чип».
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Олға, карнайчилар».
19.00 «Новости».
19.20 Телевизион миниатюралар театри.
20.00 «Ахбор».
20.30 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
20.50 Концерт.
21.30 МТ II

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/IX да **Дон Кихот**, 8/IX да **Мангулик**, 9/IX да **Гўзал Василиса.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/IX да **Келинлар қўзғолони**, 8/IX да **Кузнинг биринчи куни**, 9/IX да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/IX да **Олифта**, 8/IX да **Узилган торлар**, 9/IX да **Ватан ишқи.**

кино

7 СЕНТЯБРДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МУЮЛИШДАГИ МАЛЛАСОЧ ХОНИМ» — **Фестиваль** (21.20, телефон 32-78-02), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 52-65-87), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«МИНГ МИЛЛИАРД ДОЛЛАР» — **Санъат саройи** (18.30, 20.45, телефон 44-21-74).

«ДЎЗАХДАН ҚОЧГАНЛАР» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Хива** (21.40, телефон 32-78-02).

«ҚУМ СОАТ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ҚИЗИЛ КАЛИНА» — **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда, телефон 48-46-71).

8, 9 СЕНТЯБРДА

«МУЮЛИШДАГИ МАЛЛАСОЧ ХОНИМ» — **Фестиваль** (21.20, телефон 32-78-02), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 52-65-87), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«МИНГ МИЛЛИАРД ДОЛЛАР» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, телефон 44-21-74).

«ДЎЗАХДАН ҚОЧГАНЛАР» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Хива** (21.40, телефон 32-78-02).

«ҚУМ СОАТ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ҚИЗИЛ КАЛИНА» — **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда, телефон 48-46-71).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

8, 23, 29, 30 сентябрь соат 19.30 да

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

М. БОБОЕВ музикаси.
К. АМИРОВ асари.

«УЗИЛГАН ТОРЛАР»

(II пардали драма)

Саҳналаштирувчи режиссёр — Н. САЙДХОНОВ.
Дирижёр — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Н. ХАЛИЛОВ.
Рассом — А. ЖИБОЕДОВ.
Хормейстер — К. САЪДУЛЛАЕВ.
Концертмейстерлар — М. ФУРМАН, Б. ЦЕПЕМАН.
Режиссёр ёрдамчиси — Р. МУҲИДДИНОВА.

БОШ РОЛЛАРДА:

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари: М. САЛИМОВ, О. ҒОЗИЕВА, М. КАРИМОВА;
Ўзбекистон халқ артисти М. ҒОФУРОВ;
Солистлар: Ф. ФАЁЗОВ, С. РАҲИМЖОНОВ, А. МАМАРАСУЛОВ ва бошқалар иштирок этадилар.

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

7 СЕНТЯБРЬ, 1984 й. Р—09438. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12